

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 9 август, № 167 (7669) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

## ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг янги қиёфасини барпо этиш, Ватанимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда сизлар сингари моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари — минг-минглаб бунёдкор инсонларнинг олижаноб меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Бугунги қутлуғ айём — Қурилиш соҳаси ходимлари куни диёримизда кенг нишонланаётгани ҳам халқимиз ва давлатимизнинг сизларга бўлган ана шундай самимий ҳурмат-эҳтиромидан далолат беради.

Азиз юртдошлар!

Маълумки, ҳозирги кунда бутун инсоният қатори эл-юртимиз ҳам оғир синовли кунларни бошидан кечирмоқда. Мураккаб пандемия шароитида кўплаб соҳа ва тармоқлар ривожи йўлида жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, мана шундай қийин вазиятда ҳам иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бўлган қурилиш, бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмади.

Аксинча, сизларнинг жонбозлик кўрсатиб қилаётган меҳнатингиз ҳисобидан тизимда кенг кўламли ислоҳотлар, бу борада белгиланган дастур ва режаларимиз ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмоқда.

Бу фикрни жорий йилнинг биринчи ярмида юртимизда жами 43 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107 фоиздан зиёдни ташкил этгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Бу йил қурилиш соҳаси учун ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама синовли ва ғоят масъулиятли давр бўлганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Дастлаб Бухоро вилоятида, сўнгра "Сардоба" сув омборида юз берган табиий офат ва тошқин оқибатларини бартараф қилиш, ижтимоий объектларни тиклаш ва таъмирлаш, минг-минглаб оилалар учун замонавий уй-жойлар барпо этиш ишларида бунёдкор азаматларимиз ҳақиқий матонат ва шижоат намуналарини кўрсатдилар.

Энг муҳими, бу ишларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг моҳир қурувчилари ва муҳандислари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиб, халқимизга хос аҳиллик ва бирдамлик, ҳамжиҳатлик фазилатларини, биз чиндан ҳам ягона оила фарзандлари эканимизни яна бир бор амалда намоён этдилар.

Шу йилнинг март ойидан буён республикамизда қатъий карантин талаблари ўрнатилган таҳликали бир вазиятда қурувчиларимиз кўзга кўринмас бу балога қарши қаҳрамонона курашаётган шифокорларимиз ва бошқа соҳа вакиллари билан биргаликда стратегик аҳамиятга эга бўлган махсус қурилиш объектларини бунёд этаётганлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Хусусан, ғоят қисқа фурсатларда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 4 минг ўринли кўп тармоқли махсус шифохона, Юқори Чирчиқ туманида аҳолини вақтинча карантинда сақлаш мажмуаси каби ўнлаб иншоотлар ҳамда тақсимлаш пунктлари барпо этилди.

Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам қад ростлаган бундай мажмуалар бугунги кунда пандемияни жиловлаш, бу оғир касалликка чалинган минглаб ватандошларимизнинг ҳаётини сақлаб қолишда беқиёс аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни вақтда улкан қурилиш майдонига айланган Ўзбекистонда қурувчиларимизнинг ўз касбига меҳри, бурчига садоқати, ғайрат-шижоати билан бошқа кўплаб ижтимоий объектларда ҳам бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб пойтахтимизнинг Олмазор туманида қад ростлаган Ғалаба боғи том маънода тарихий иш бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ҳар қандай қийин шароитда ҳам буюк ишларни амалга оширишга қодир эканини яққол намоён этган ушбу қурилиш бугунги кунда халқимизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган мислсиз қаҳрамонлигини тарих саҳифаларига муҳрлаган бетакрор мажмуага айлангани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ана шундай салмоқли ишларимиз қаторида Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилгани маънавий ҳаётимиздаги унутилмас воқеа бўлди.

Тошкент ер усти ҳалқа метро йўли, Юнусобод ва Сергелидаги янги метро йўналишлари, Яшнобод туманидаги уч қаватли муҳташам кўприк, Ислом цивилизацияси маркази ва бошқа кўплаб муҳим объектлар сиз, қўлигул қурувчиларимизнинг улкан салоҳиятингиз ва маҳоратингиздан далолат бериб турибди.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан халқимиз, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, ёш оилалар учун арзон ва шинам уй-жойлар қуриш дастури изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда ана шу дастур бўйича қишлоқ жойларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп хонали уй-жойлар барпо этилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги вақтда юртимизда 2 минг 400 га яқин ижтимоий объект, жумладан, 427 та боғча, 477 та мактаб, 216 та соғлиқни сақлаш, 29 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси ва 100 га яқин бошқа турли иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасини тубдан такомиллаштириш мақсадида унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётгани сизларга яхши маълум.

Хусусан, ўтган уч йил давомида ушбу соҳани тартибга солувчи жами 33 та қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 6 та қонун ҳужжати ҳаётга татбиқ қилингани бу борада бошлаган ислоҳотларимизнинг кўлами нақадар кенглигини кўрсатиб турибди.

Қурилиш ишларида дунёнинг ривожланган давлатлари стандартларига мос бўлган янги инновацион технология ва ечимларни қўллашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бу йўналишда ахборот-коммуникация технологиялари самарали жорий этилиб, "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими ишга туширилгани соҳада коррупциянинг, қоғозбозликнинг олдини олиш, иш вақтини тежашга хизмат қилади.

Замонавий қурилиш соҳаси ривожини катта билим ва тажрибага эга, етук кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда айни пайтда Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтларида 22 та бакалавриат таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва қурилиш ишлари сифатини оширишга қаратилган ишлар ҳам жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш рейтинги жорий этилди. Қурилиш соҳаси билан боғлиқ барча асосий маълумотларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётгани ҳам бу борада сифат даражасининг яхшиланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу билан бирга, қурилиш индустриясини, қурилиш моллари саноатини янада ривожлантириш, шаҳарсозлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини замонавий юксак мезонлар асосида такомиллаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, соҳа ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласи бундан буён ҳам давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлади.

Азиз ва муҳтарам қурувчилар!

Барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, эзгу фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Хонадонларингизга доимо тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ёр бўлсин!

Қўлингиз асло дард кўрмасин, ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## 2020-2021 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ СЎХ ТУМАНИНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фарғона вилояти Сўх туманининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизациялаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, саноат салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги, сервис ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳисобига туман аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида:

1. 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш;

қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳада фойдаланилмаётган ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик ва балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш;

йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг уй-жой маиший шароитларини яхшилашга, соғломлаштириш ва маданий ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, туман марказини ободонлаштириш;

таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳаси ва педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш, туманда олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш, таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини ошириш;

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Дастурни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда Дастурнинг мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари асосида **2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли дастурини** тасдиқласин.

4. 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мутасадди раҳбарлар иштирокида Дастур доирасида амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини мунтазам равишда **ҳар ойда бир марта** Сўх туманида, **ҳар чоракда бир марта** республика даражасида муҳокама қилиб бориш ва муаммоли лойиҳалар ечими юзасидан зарур ва тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;

Дастур доирасида белгиланган **лойиҳаларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш**, лойиҳаларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор ва амалий чоралар кўриш;

**(Давоми 2-бетда).**

## Аниқ сармоя ва истиқболли лойиҳалар

### қишлоқ хўжалигидаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади

*Аниқ мақсадга йўналтирилган сармоя, албатта, ўз самарасини беради. Шу маънода, кейинги пайтларда иқтисодиётимизнинг турли тармоқлари учун инвестиция ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари жалб этилаётгани диққатга сазовор. Зотан, ушбу сармояларни сарфлаш манзили ҳамда мақсади маълум — юқори натижа берувчи лойиҳалар.*

*Бундай фикрлар Президентимиз томонидан ўтказилган Жаҳон банки иштирокида "Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида алоҳида қайд этилди.*

*Ушбу лойиҳанинг моҳияти ва афзалликлари, унинг мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигини юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида йиғилишда қатнашган мутасаддилар фикрларини ёзиб олдик.*

### Муносабат

**Жамшид ХЎЖАЕВ,**
**қишлоқ хўжалиги вазири:**

— Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш борасида жорий йилнинг бошида ўн йиллик стратегия қабул қилганмиз. Йиғилишда ушбу стратегияда белгиланган энг асосий йўналишларга замин яратиб берилди.

Жаҳон банки томонидан ажратилаётган 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитни ўзлаштиришни лойиҳалар кесимида айтадиган бўлсак, масалан, унинг 165 миллиони қишлоқ хўжалигини тубдан модернизация қилишга йўналтирилади. Яъни бугунги кунда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган кўчат, уруғ ёки бошқа янгиликлар четдан олиб келинмоқда. Ваҳоланки, бу борада бизда салоҳият катта. Ушбу имкониятларни ишлатиш бўйича илмий-тадқиқот институтларимизни тубдан кўриб чиқиш масаласи кўтарилди.

Йиғилишда 10 та институт билан биргаликда Илмий-инновацион марказ ташкил этиш ва бундай марказлар вилоятларда ҳам ўз аксини топиши кераклиги хусусида топшириқлар бўлди. Бунинг учун ушбу лойиҳада алоҳида кредит линиялари белгиланган. Энг асосийси, Жаҳон банки кредити қайтарила олинадиган лойиҳаларга жорий қилиниши зарурлиги қайд этилди.

Фермерларни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашга қаратилган иккинчи йўналишда маблағ уларга бўлиб-бўлиб тўлаш механизми асосида тақдим этилади. Яъни бунда фермерлар банкларга мурожаат қилмайди. Қишлоқ хўжалиги тизимида алоҳида операторлар бўлади, улар танлов асосида беради.

➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»

### келгусида мамлакатимиз тараққиётига таъсир кўрсатадиган кучга айланади




Янги Ўзбекистон одимлари



*"Бу ҳаётингиздаги биринчи синов бўлди. Меҳнат, билим, адолат нима эканини кўрдингиз. Сизларни шундай нуфузли мактабга муносиб бўлганингиз билан чин юрагимдан табриклайман. Сиз энди Ўзбекистоннинг "олтин фонди"сизлар. Халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этадиган нарсалар кўп. Лекин энг афзали билим билан намоён этиш. Ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз бор. Бугун тарихий кун. Илгари юртимизда бундай шароит бўлмаган. Энди чет элдан нуфузли меҳмонлар келса, катта-катта заводларни эмас, Президент мактабларини кўрсатамиз. Сизлар билимингиз, юриш-туришингиз, ватанпарварлигингиз билан ҳамма ёшларга намуна бўлишингиз керак. Келгусида Ўзбекистон тараққиётига таъсир кўрсатадиган куч бўласизлар".*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги Президент мактабига ташрифи чоғида айтилган бу сўзлар том маънода ўсиб келаётган ёшларни юксак мақсадлар сари руҳлантириб, илм чўққиларини эгаллашга ундаши, уларда Ватан келажаги ва тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, келажагини ўйлаган халқ, миллат, давлат борки, ўсиб келаётган ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Бугун ўзининг айтар сўзига эга бўлган қудратли давлатларда ёшларни тарбиялайдиган, ўқитадиган махсус муассасалар фаолият юритади. Бу бежиз эмас, албатта. Дунёни ақл-идрок, тафаккур бошқараётган ҳозирги замонда малакали ва етук кадрлар масаласи биринчи ўринда турибди. Ҳозирги тараққиёт ва тезкор асрда ана шундай кадрларни тарбиялашга қаратилган махсус мактабларнинг ўрни, аҳамияти тобора ошиб боряпти.

Шу боис кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимининг барча бўғинини такомиллаштириш, уларга халқаро стандартларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йилнинг ноябрь ойида давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрида мутасаддилар, фаоллар, нуронийлар ва ёшлар билан мулоқотида мамлакатимиз, халқимизнинг келажагини ўйлаб, ҳар бир ҳудудда биттадан Президент мактабини ташкил қилиш таклифини билдирган эди. Ушбу ташаббус халқимиз томонидан катта хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватланди.

➡ 2

**КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:**

**Ўзбекистонда**

2020 йил 8 август соат 17.00 ҳолатига кўра,
касалланганлар сони — 29 652 нафар,
тузалганлар **21 006 нафар,**
вафот этганлар 187 нафар.

**Дунёда**

2020 йил 8 август ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони — **19 440 432** нафар,
тузалганлар **11 784 574** нафар,
вафот этганлар **722 706** нафар.

**УЙДА ҚОЛИНГ!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# 2020-2021 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ СЎХ ТУМАНИНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тумандаги **камбағалликка оид реал аҳволни ўрганиш**, камбағалликни қисқартириш ва бартараф этиш бўйича **зарур чора-тадбирларни белгилаш**.

5. Фарғона вилоятининг Сўх туманида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида:

**а) 2020 йилда жисмоний шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилсин**;

б) жорий йил **1 августдан бошлаб 2021 йил 31 июлга қадар**:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи амалдаги қатъий белгиланган солиқ ставкасининг **50 фоизи миқдорида белгилансин**;

алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олиш учун **йиғимни тўлашдан озод қилинсин**.

6. Тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит фоиз ставкасининг **10 фоизли пунктидан юқори бўлган қисмини**, бироқ **Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан** ошмаган миқдорини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиш тартиби жорий этилсин.

7. Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда Сўх тумани аҳолисига янги уй-жой қурилиши учун ипотека кредитлари ажратилишини таъминласин.

8. Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳокимига Фарғона вилояти ҳокимлиги билан келишган ҳолда **2022 йил 1 январга қадар** туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар учун, **истисно тариқасида, суғориладиган ер майдонларидан ташқари ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ҳуқуқи берилсин**.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тумандаги соғлиқни сақлаш муассасаларига юқори малакали мутахассисларни ишга жалб қилсин.

10. Белгилансинки:

Сўх туманида жойлашган тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг лавозим маошларига соҳадаги иш стажининг **биринчи уч йили учун тариф ставкасига нисбатан 40 фоиз** ва **ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 15 фоиз** миқдорда, устаманинг **энг кўп миқдори 100 фоиз ўрнатилади**;

Сўх туманида жойлашган тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг лавозим маошларига **ойлик қўшимча устамалар, ижтимоий нафақалар** ҳамда Сўх тумани маҳаллий бюджетининг солиқлардан берилган имтиёзлари ҳисобига вужудга келган йўқотишлари жорий йилда **Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** ҳисобидан қоплаб берилади.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қирғизистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш масаласини ҳал этсин.

Транспорт вазирлиги Қирғизистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш масаласи тўлиқ ҳал этилгандан кейин бир ҳафта муддатда Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти орқали аҳолига мақбул нархларда қатновлар йўлга қўйилишини таъминласин.

Фарғона вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Сўх туманида самолёт ва вертолётлар учун учиш-қўниш майдончаларини ташкил этсин.

Молия вазирлиги Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти орқали қатнови бўйича кўрилган зарарларни қоплаш учун компенсация тўловларини жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан қопланишини ва келгуси йилларда Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

12. Фарғона вилояти ҳокимлиги:

Сўх тумани аҳолиси учун **Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Қўштепа, Бағдод, Риштон ва Бувайда туманлари ҳудудида** деҳқончилик қилиш учун **экин ер майдони** ва **ипотека кредитлари асосида** квартиралар ажратсин;

Фарғона вилояти ҳудудида марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларига, шунингдек, саноат корхоналарида янги ташкил этилаётган иш ўринларига Сўх тумани аҳолисини кенг жалб қилсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Сўх туманининг иш билан бандлиги таъминланмаган аҳолисининг бир қисмини Тошкент шаҳрида йирик объектларда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларига тизимли равишда жалб қилинишини таъминласин.

13. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси белгиланган тартибда Дастур доирасида қурилиш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун **лицензиялар ҳамда ер ости ичимлик суви манбалари бўйича тегишли хулосалар берилишини таъминласин.**

14. Энергетика вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда аҳолини электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, ичимлик суви ва канализация тизими билан таъминлаш бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, Дастур доирасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш корхоналарининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига ўз вақтида уланишини ҳамда уларга мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, талаб этиладиган табиий газ ва электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги марказлашган манбалар ҳисобига Дастурнинг **2020 йилда амалга ошириладиган лойиҳаларини 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурининг 2020 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида** амалга оширсин ва кейинги йиллар учун белгиланган тадбирларнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, келгуси йиллар Инвестиция дастурини шакллантиришда кўзда тутсин.

16. Қуйидагиларга:

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига** — мазкур қарорнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига** — ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан зарур маблағларни ўз вақтида ажратиш ва бошқа молиявий ресурсларни жалб қилиш юзасидан;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. У. Умурзаков зиммасига** — туманда инвестиция муҳитини яхшилаш, инвесторлар ҳамда инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. И. Барноев зиммасига** — туманда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик ҳамда қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш юзасидан;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. А. Мусаев зиммасига** — туманда ижтимоий соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, ижтимоий инфратузилма объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 8 август

# Аниқ сармоя ва истиқболли лойиҳалар

## қишлоқ хўжалигидаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади

◄1

Яна бир масала, йирик агрологистикаларни ташкил этиш. Энг муҳими, бу қарзни ўз вақтида қайтариш учун тўғри механизм билан ташаббускорларга етказиш керак. Айнан шу бўйича ҳам жиддий топшириқлар берилди.

Ўйлайманки, бу саъй-ҳаракатлар кейинги ўн йилликда камида икки-уч баравар фойда олиб келади. Яъни ҳам ялпи ишлаб чиқаришимизга, ҳам экспорт салоҳиятимизга ижобий таъсир кўрсатади.

**Иброҳим ЭРГАШЕВ,**
**Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи:**

— Йиғилишда Президентимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни янги босқичга янада кўтариш, Жаҳон банки томонидан ажратилаётган кредитни қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтириш тўғрисида топшириқлар берди.

Маълумки, замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш модернизация жараёнларини жадаллаштириш ҳамда ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш кўламини ошириш имконини беради. Афсуски, бир муддат қишлоқ хўжалигида илм-фанга эътиборнинг сусайиши натижасида кўчатлар, уруғлар етиштириш бўйича, умуман, экиш материалларига эътибор ҳам сусайиб кетганди. Бу ҳозирги кунда олдимизда катта масала бўлиб турганди. Ушбу йўналишда маблағлар ажратилиши, аввалambor, илм-фан нуқтаи назаридан ёндашувни, импорт сифатида олиб келинаётган кўчатлар ёки уруғлар бизнинг иқлимимизга мос келиш-келмаслиги бўйича эътиборимизни кучайтиришни талаб этади.

Шунингдек, ҳар бир вилоятда, керак бўлса, ҳар бир туманда биттадан илмий-тадқиқот институти марказларини ташкил этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Бу борада илмий-тадқиқот институтларига нафақат ўзимизнинг олимлар, балки чет элдан соҳа мутахассисларини жалб қилиш, кўчатлар ёки уруғларнинг экспортбоп навларини яратиш вазифалари қўйилди.

Бундан ташқари, деҳқон, фермер хўжаликлари, томорқа ер эгаларини сифатли кўчат ва уруғликлар билан таъминлаш зарурлигига жиддий эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларида ернинг таркибини ўлчаб, минерал ўғитлар бериш ёндашуви бўйича тизимли ишларни ташкил этиш борасида аниқ топшириқлар олдик.

**Феруз АБИЛОВ,**
**Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари:**

— Видеоселектор йиғилишида Самарқанд вилояти учун 75 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўрсатиб ўтилди. Бу маблағлар тўртта компонент бўйича, яъни Жаҳон банки маблағи ресурслари ҳисобидан қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни ўз ичига олган агрохизматлар марказини ташкил этиш, мева-сабзавотчилик тармоғида кластер ҳамда кооперациялар учун имтиёзли кредитлар ажратиш, интенсив боғ майдонларини кенгайтириш, янги технологияларни жорий қилган ҳолда, интенсив боғлар яратиш, шунингдек, Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан агрологистика комплекслари фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида, тан олиш керак, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси уйғун эмаслиги яққол кўриниб турибди. Шунинг учун илмий-тадқиқот институтларини алоҳида назоратга олиб, уларнинг жойлардаги моддий-техника базасини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Мана шу топшириқларга асосан, вилоятимиздаги еттита илмий-тадқиқот институтига маблағ ажратилиб, уларнинг мутахассисларига, моддий-техника базасига алоҳида эътибор бериляпти. Бу вилоятимиздаги барча қишлоқ хўжалиги корхоналари учун жуда катта далда бўлди.

**Ҳалимжон УМАРОВ,**
**Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари:**

— Ҳозирги даврда илм-фан ва инновацияларнинг аҳамияти янада ортмоқда. Видеоселектор йиғилишида Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ишлаб чиқаришда фанни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилган, аниқ, пухта ўйланган лойиҳалар асосида топшириқлар берилдики, биз бу ишларни жойларда бажарадиган бўлсак, катта-катта ютуқларга эришишимиз аниқ. Энг муҳими, бу мамлакат ривожи, аҳоли ҳаёт сифатининг ошишига ҳам хизмат қилади.

Мана, бизнинг вилоятда, аниқроғи, Қўқонда, Олтиариқда, Қувада қишлоқ хўжалиги техникуми фаолияти йўлга қўйилади. Яъни қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни ўз ичига олган Фарғона вилояти агрохизматлари маркази ташкил бўлади.

Бундан ташқари, тизимда селекция, уруғчилик, санитария, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш каби бўлимлар, лабораториялар иш бошлайди.

Шунингдек, вилоятимизда 300 гектар ерда янги усулдаги интенсив боғлар яратилади. Ҳозир шундан 76 гектари Қўштепа туманида ташкил қилинган. Бу аҳоли, фермерлар томонидан кўтаринки руҳда қабул қилинди. Ҳозир бу интенсив боғ майдонларидан тадбиркорларимизга, фермерларимизга, аҳолига бир гектардан бўлиб беріляпти. Бу ишлар яна давом эттирилади.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»

## келгусида мамлакатимиз тараққиётига таъсир кўрсатадиган кучга айланади

◄1

Кўп ўтмай, 2019 йилнинг 20 февралида давлатимиз раҳбарининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунга келиб, мазкур лойиҳа амалга ошди. Президент мактабининг дастлабкиси ўтган йили кузда пойтахтимизда очилган бўлса, унинг изидан Хива, Наманган ва Нукусда ҳам ана шундай мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги форматдаги мазкур ўқув муассасаларини ташкил қилишдан мақсад илғор технологияларни таълим жараёнига татбиқ этган ҳолда, болаларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, юксалтириш, ўқитиш ва тарбиялаш, истеъдодли ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни юксак натижалар сари ундаш, маънавияти юксак ва интеллектуал қобилияти юқори бўлган авлодни шакллантиришдан иборат.

Барча мактаблар замон талаблари даражасида, рақамли технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, улар таълим-тарбия жараёнининг барча босқичида кенг татбиқ қилинади. Мактаблар замонавий инвентарлар, мебеллар, қўлланмалар, лабораториялар ва бошқа турдаги воситалар билан жиҳозланган. Ушбу ўқув масканлари қулай кутубхоналарга ҳам эга бўлиб, улар болаларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун зарур бўлган китоблар, қўлланмалар, илмий ҳамда бадиий адабиётлар билан таъминланган. Ҳар бир мактаб ўқув хоналари ва ётоқхоналар билан бир қаторда, спортзал, бассейн, ошхона, ҳатто хорижий ўқитувчиларга мўлжалланган меҳмонхоналарга ҳам эга.



Қисқача айтганда, ўқувчиларга табиий ҳамда аниқ фанларни, хорижий тилларни чуқур ўқитиш, замонавий илм ва технологияларни ўзлаштириш, инновацион ғоялар ҳамда ишланмаларни ҳаётга татбиқ этишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Мазкур мактабларда эртамиз эгаларига сифатли таълим бериш ва билимларини баҳолашда замонавий усуллардан фойдаланилмоқда. Ёшларнинг етакчилик кўникмалари, нотиқлик, танқидий фикрлаш, олинган билимларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятини ривожлантиришга аҳамият берилмоқда.

— Мен Хоразмдаги Президент мактабида ўқувчиларга информатика фанидан дарс бераман, — дейди Хивадаги Президент мактаби ўқитувчиси Эҳсан Масауд (Буюк Британия). — Манчестер ва Сандерленд университетларида таҳсил олганман. Таълим соҳасида ўн йилдан кўпроқ тажрибага эгаман. Англиядаги таълим муассасаларида педагогик фаолият билан шуғулланганман. Ўзбекистон раҳбарининг Президент мактабларини ташкил этиш ташаббусини, ҳақиқатан ҳам, таҳсинга сазовор воқеа деб, биламан. Чунки педагогик фаолиятимда ҳали бундай таълим даргоҳларига дуч келмаганман. Яъни бу ҳали тажрибада қўлланилмаган ажойиб, янгича ташаббус ҳисобланади. Мен бу ерда аҳамият берган яна бир жиҳат шуки, бу даргоҳда, ҳақиқатан ҳам, иқтидорли болалар йиғилган. Яъни улар жуда катта салоҳиятга эга. Ўйлайманки, биз бераётган таълим уларнинг билимларини янада бойитишга хизмат қилади. Улар нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Осиё минтақасининг энг илғор ёшларига айланишади.

Мазкур мактабларда умумий таълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг халқаро олимпиадалар, танловлар ҳамда мусобақаларда иштирокини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Педагоглар ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашга ўргатиш учун ҳаракат қиладилар.

Танлов натижалари асосида саралаб олинган ўқувчиларга маҳаллий ва хориждан келган энг сара ўқитувчилар дарс беради. Таълим жараёни хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда тайёрланган ўқув режалари ҳамда дастурлари асосида инглиз тилида олиб борилади. Бунда “STEAM” инновацион дастури (Science — табиий фанлар, Technology — технология, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) асос қилиб олинган.

Халқаро стандартлар бўйича мактаб битирувчиларига давлат намунасидаги аттестат билан бирга, халқаро даражадаги диплом ҳам берилади. Бу эса уларнинг етакчи хорижий олий таълим муассасаларига кириш имкониятини оширади.

— Президент мактабларида ўқув жараёни Кембриж университети экспертлари ҳамкорлигида тайёрланган ўқув режалари ҳамда дастурлари асосида амалга оширилади, — дейди Хивадаги Президент мактаби директори ўринбосари Ричард Пашковски (Канада). — Таълим беришнинг бундай услуби дунёда тан олинган. Болаларни сифатли ўқитиш ва бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун барча шароит яратилган. Бизнинг ўқувчилар юқори натижаларга эриша оладиган, яхши мутахассислар бўлиб етишиши учун педагоглар ҳамда ота-оналар уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб, фан, техника, технологиялар билан шуғулланишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари лозим. Муҳими, бу ерда нафақат Ўзбекистон, балки хорижнинг энг яхши мутахассислари фаолият юритмоқда. Бу эса ривожланган педагогик технологияларнинг республика бўйлаб кенг татбиқ этилиши ва ёйилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан ўтказилаётган семинарлар ҳамда тажриба алмашишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган Президент мактаблари қисқа вақт ичида замонавий таълим-тарбия бериш орқали таълим тизимида ўзига хос ўринга ва мавқега эга бўлиб бормоқда.

— Президент мактабининг ўқувчиси бўлиш мен учун шараф ҳамда юксак масъулият, — дейди пойтахтимиздаги Президент мактаби ўқувчиси Қобилжон Қосимов. — Юртбошимиз биздан келажакда катта натижаларни кутяпти. Дунё ёшлари билан бемалол рақобатга кириша оладиган, билим борасида улардан қолишмайдиган кадрлар бўлиб етишишимизни хоҳлаяпти. Бунинг учун мактабимизда барча шарт-шароит яратилган. Биздан эса ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқиш, изланиш, ўз устимизда тинмай ишлаш талаб этилади холос. Мен бизга билдирилаётган ишончни тўлиқ оқлашга, устозларимиз бераётган сабоқларни кунт билан ўзлаштириб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган, буюк боболаримизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан.

Коронавирус инфекциясининг дунё, хусусан, Ўзбекистонда ҳам тарқалиши Президент мактабларида ўқиш ва қабул жараёнларига ўз таъсирини ўтказмай қолмади, албатта.

Мазкур мактаблар барча зарурий ресурсга эга экани шу йилнинг март ойидан бошлаб машғулотлар, имтиҳонлар, синфдан ташқари тадбирларни масофадан туриб, онлайн тарзида ўтказиш имконини берди.

Карантин чекловлари даврида Президент мактабларига қабул кейинги йилга қолдирилиши юзасидан зарурий чоралар кўрилди.

Буларнинг барчаси ўсиб келаётган ёш авлод вакилларининг саломатлигини ўйлаб қилинаётган ишлардир. Умуман олганда, Президент мактабларига мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг тўртинчи синфини тамомлаган ўқувчилар қабул қилинади. Қабул квотаси 24 нафар ўқувчидан иборат бўлиб, икки синфга бир хил — 12 нафардан ўғил-қиз тақсимланади. Бундай мактабларга ҳар бир ўзбекистонлик кириб ўқиши мумкин. Фақат улардан мустаҳкам билим, кенг фикрлаш, ижодий салоҳият талаб этилади. Улардаги бу жиҳатлар мантиқий фикрлашга қаратилган тест олиш, ёзма имтиҳон ҳамда суҳбат асосида аниқланади.

Айни пайтда ёзги таътил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги “Онлайн оромгоҳ” лойиҳасини амалга оширяпти. Реал вақт режимида ўқувчилар интернет орқали мусиқа асослари, хорижий тиллар, рассомчилик, дастурлаш, графика ва дизайнни ўзлаштирмоқда, турли танловлар ҳамда мусобақаларда иштирок этишмоқда.

— Пандемия оқибатида юзага келган хавф ҳамда карантин чекловлари муносабати билан ўқувчиларнинг биноларга киритилмаслиги, ота-оналарнинг имтиҳон пайтида йиғилиб қолишининг олдини олиш, хорижий ҳамкорларимизнинг юртимизга қачон ташриф буюриши аниқ бўлмагани муносабати билан Президент мактабларига қабул истисно тариқасида кейинги йил ўтказилиши режалаштирилган, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Шоира Ҳамроева. — Мураккаб вазиятдан келиб чиқиб қабул қилинган бу қарор болаларни асло бўшаштирмаслиги керак. Аксинча, бу улар учун қўшимча имконият эканини ҳис қилиб, кейинги йил ўтказиладиган имтиҳонларга астойдил, кучли тайёргарлик кўришлари лозим. Саралаш имтиҳонлари жараёнлари ҳамда уларни ўтказиш муддатлари билан боғлиқ ўзгаришлар махсус комиссия томонидан киритилади ва бу ҳақда агентликнинг расмий каналлари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали қўшимча маълумот берилади.

Айни пайтда Бухоро, Жиззах, Қарши, Самарқанд ҳамда Қўқонда Президент мактаблари учун бинолар қурилмоқда. 2021 йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятларида ҳам ана шундай мактаблар барпо этилади. Қайд этиш кераки, ушбу таълим масканлари учун бино ҳамда иншоотларни қуришда маҳаллий ва жаҳон меъморчилигининг энг сўнгги ютуқлари татбиқ қилинмоқда. Ҳар бир ўқув муассасаси 168 ўринга мўлжалланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда карантин ҳолати жорий қилинган. Шунга қарамай, қурилиш ишлари санитария-гигиена талабларига риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда.

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган замонда дунё ёшларидан ортда қолиш имкониятни қўлдан бой бериш билан баравар. Улар билан билим борасида тенгма-тенг рақобатга кириша олмас эканмиз, ривожланишдан анча ортда қолиб кетишимиз мумкин. Президент мактабларини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу. Юртимиз келажаги бўлган билимли, интеллектуал салоҳияти юқори, ҳар жиҳатдан етук кадрларни тарбиялаш.

Мамлакатимизда илм-фан, таълим соҳасига қаратилаётган бундай эътибор яқин йиллар ичида ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Бугунги кунда Президент мактабларида таҳсил олаётган ёшлардан келажакда Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига умид билдирамиз. Зеро, бизнинг ёшларимиз томирида ана шундай буюк аждодларимизнинг қони оқмоқда. Улар ҳам ота-боболаримиз изидан бориб, дунё илм-фанининг етук намояндаларига айланишига ишонамиз.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТЕСТ СИНОВЛАРИ БИР КУНДА ИККИ МАҲАЛ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик, тест синовлари ҳамда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларининг ташкил этилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг оммавий ахборот воситали вакиллари учун брифинги уюштирилди.*

## Брифинг

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 6 август куни ўтказган йиғилишда мутасадди вазирлик ҳамда идораларга жорий йилги қабул имтиҳонларини пандемия шароитидан келиб чиқиб, стадионларда ўтказиш, ушбу ҳудудларни тест синовларига пухта тайёрлаш, уларнинг дислокацияси бўйича абитуриентларни тўлиқ хабардор қилиш юзасидан кўрсатмалар берган эди.

Мазкур топшириқдан келиб чиқиб, брифингда кенг жамоатчиликка тест синовлари неча сменада ва куннинг қайси пайтида ўтказилиши юзасидан маълумот берилди.

— Тест синовлари учун абитуриентларга 2 соат вақт берилади, — деди Давлат тест маркази директори Мажид Каримов. — Эрталабки сменалар соат 8:00да бошланиб, 10:00да тугайди, кечки сменалар эса соат 17:00да бошланиб, 19:00да якунланади. Абитуриентларга бир марталик ҳимоя воситаларига қўшимча равишда бош кийими (кепка) ҳам тарқатилади. Абитуриентлар 2 та фандан жами 60 та тест саволига жавоб топади.

Брифингда нима учун тест синовлари уч соатдан икки соатга қисқартирилганлигига ҳам ойдинлик киритилди. Изоҳ берилишича, ҳар йили тест синовлари учта фандан ўтказилган ва уч соат вақт ажратилган. Бу йилги тест синовлари иккита фандан ташкил этилмоқда. Шароитдан келиб чиқиб, қўшимча фанлар олиб ташланди. Бундан ташқари, тест синовлари анча соддалаштирилган ҳамда осонлаштирилган.

Шунингдек, тадбирда тест синовларидан ўн кун олдин Давлат тест маркази сайтида очилган ҳар бир абитуриентнинг шахсий кабинетида ДТМ ҳужжати қўйилиши, абитуриент рўйхатдан ўтганида кўрсатган телефон рақамига бу ҳақда хабар берилиши айтиб ўтилди.

Пандемия билан боғлиқ вазият туфайли баъзи оилалар моддий жиҳатдан қийналиб қолишган. Талаба ўқиш учун шартнома тўловини тўлашда қийналса, оқибати нима бўлади, деган саволга ҳам жавоб берилди.

— Агар талабанинг вазияти оғир бўлса, шартнома тўловига қурби етмаса, олий ўқув юрти вазиятни ўрганиб чиқиб, унга ёрдам бериш чораси кўрилади, — деди олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов. — Масалан, талаба шартнома пулини тўлай олмаса, у четлатилмайди, балки курсдан-курсга қолдирилиши масаласи кўриб чиқилмоқда.

Вазирнинг қўшимча қилишича, бу йилги тўлов-шартнома миқдорида ўзгариш бўлмайди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам атрофлича жавоб берилди.

**«Халқ сўзи».**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**



# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

*Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юртимизда йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш мақсадида қабул қилинган эди.*

Хўш, ўтган вақт мобайнида мазкур ҳужжат ижроси доирасида қандай ишлар амалга оширилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган навбатдаги йиғилишида ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Қишлоқ хўжалиги ҳамда Сув хўжалиги вазирликлари ва “Давергеодезкадастр” қўмитаси раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳаитов сўзга чиқиб, Фармонда назарда тутилган вазифалар нафақат вазирликлар, балки депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклаши, шу маънода, Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини тўла-тўкис рўёбга чиқариш, уни ҳаётга янада самарали татбиқ қилишда ўзаро ҳамкорликдаги ишларни кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

Ҳисоботда келтирилганидек, Фармон билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси доирасида 2019 — 2030 йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиққан жами 1,1 миллион гектар, шундан, 2019 — 2024 йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган 298,5 минг гектар суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш режалаштирилган.

Режага мувофиқ, ўтган 2019 йилда 72,6 минг гектар, шундан 38,6 минг гектар қишлоқ хўжалигида оборотдан чиққан суғориладиган ерлар ҳамда 34 минг гектар ер ости сув захираси мавжуд лалми ва яйлов ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2020 йилда жами 280,1 минг гектар, шундан 125 минг гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ва 155,1 минг гектари ер ости сув захираси мавжуд ер бўлиб, уларни ўзлаштириш белгиланган.

Фойдаланишга киритилган майдонларнинг 41 минг гектарига қишлоқ хўжалиги экинлари экилган. Бундан ташқари, 5,1 минг гектар интенсив боғ, 3,7 минг гектар токзор ва 557 гектар тутзор барпо этилган.

Эшитув давомида концепция доирасида 2019 — 2022 йилларда экинларни суғоришда 253,4 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш белгилангани алоҳида қайд этилди.

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда 43,8 минг гектар майдонда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш режалаштирилган бўлиб, амалда томчилатиб суғориш тизими ғўза майдонларида 20,2 минг гектар, боғ майдонларида 7,9 минг, токзорларда 4,5 минг ва бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонларида 1,7 минг гектар, ёмғирлатиб суғориш тизими эса бошоқли дон экинларида 622 гектар, сабзавот экинларида 404, озуқабоп экинларда 733 гектар, шунингдек, дискретли (пульсар) суғориш тизими эса ғўза экинларида 4,2 минг гектарда жорий қилинган.

Тадбирда ерларни қайта фойдаланишга киритиш тадбирлари айрим ҳудудларда суст даражада олиб борилгани депутатларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди. Жумладан, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига 2019 — 2024 йилларда ўзлаштирилиши белгиланган ерларнинг Наманган вилоятида 11,5 минг гектарнинг 15,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида 91,7 минг гектардан 18 фоизи ва Қашқадарё вилоятида 69,5 минг гектар майдоннинг 23,2 фоизи қайта фойдаланишга киритилган.

Туманлар кесимида ушбу ҳолат таҳлил қилинадиган бўлса, айрим ҳудудларда бу кўрсаткич паст даражада. Яъни Асака, Улуғнор, Чуст, Бўстонлиқ, Пискент, Шеробод, Зарбдор ва Арнасой туманларида 10 — 12 фоиз, Мингбулоқ, Кегейли, Қўнғирот, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманларида 6 — 8 фоиз, Қарши, Қамаши, Китоб, Миришкор, Муборак, Нишон, Мирзачўл, Тўрақўрғон туманларида 1 — 5 фоиз бажарилган бўлса, Марҳамат, Жалақудуқ, Касби, Деҳқонобод ҳамда Бойсун туманларида ушбу тадбирлар ҳалигача бошланмаган.

Бугунги кунда ҳатто бир қарич ерни фойдаланишга киритиш масаласи ўта муҳим ҳисобланса-да, юқоридаги туманларда бу тадбирлар суст даражада олиб борилиши ташвишли ҳолат эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан Фармоннинг “Йўл харитаси”даги айрим бандлар бўйича, хусусан, бугунги кунда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида картошка экиш борасида муаммо мавжудлиги, Андижон вилоятида ердан тўғри фойдаланишда кадастр ходимларининг етишмаслиги, Тошкент вилоятида “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали олинган ерлар бўйича муаммолар кўтарилгани сингари бир қатор масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги қайд этилди.

Видеоконференция якунида ушбу Фармон ижросининг кейинги муҳокамаси шу йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича ўтказилиши белгиланди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# СЎРОВНОМАДА ҚАТНАШГАН АКСАРИЯТ ЁШЛАР МАҲАЛЛАСИДА СПОРТ ИНШООТИ ЙЎҚЛИГИНИ БИЛДИРДИ

**Сенат мазкур масала юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юборди.**



*Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан қатор янги қонунлар маъқулланди. Шу билан бирга, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий-маиший ҳаётидаги долзарб муаммоли масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровларини юбориш юзасидан ҳам таклифлар ўртага ташланди. Аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишда юзага келаётган муаммолар тўғрисидаги парламент сўрови шулар жумласидандир.*

## Бонг

Эътибор бериб кузатадиган бўлсак, сўнгги уч йилда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш, давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилди.

Жисмоний тарбия, спорт ҳамда саломатлик соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиали, Россия давлат жисмоний тарбия, ёшлар, спорт ва туризм университетининг Самарқанд филиали, Беларусь давлат жисмоний тарбия университети билан ҳамкорликда қўшма жисмоний тарбия, спорт ва туризм факультети ташкил этилди.

Спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, мавжуд инфратузилма ва моддий-техника базани модернизациялаш, спорт инвентарлари таъминотини яхшилаш бўйича ҳам амалий натижаларга эришилди.

Жумладан, 2019 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ, 244,2 миллиард сўм ҳисобига 69 та спорт объекти қурилди. Олис ва чекка қишлоқларда жами 421 та енгил конструкциялик кичик спорт заллари ҳамда сунъий қопламали спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини изчил тарғиб қилиш мақсадида қатор оммавий спорт тадбирлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси қабул қилиниб, ижрога қаратилган.

Аммо афсуски, олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда соҳада кўплаб муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Айниқса, катта маблағлар эвазига ҳудудларда яратилган спорт иншоотлари аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаяпти. Республикада жами 51 583 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, уларнинг 87 фоизи туманларда ва 13 фоизи шаҳарларда жойлашган. Ушбу иншоотлар жами 1,3 миллион ўринга эга бўлиб, мамлакат аҳолисининг фақатгина тўрт фоизини қамраб олмоқда.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз бўйича қўшимча 421 та спорт иншоотига эҳтиёж мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сирдарё, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида бу борадаги талаб юқорилигича қолмоқда.

Бу жараёнга давлат-хусусий шериклик институтини жалб этиш юзасидан тегишли тадбирлар режалаштирилган, аммо бу борада ҳам жараёнга кенгда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Биргина мисол, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида баскетбол майдончаларини қуриш учун 194 та шаҳар ва туманда (96 фоиз) ер майдонлари ажратилмаган.

Яна бир масала умумтаълим мактабларини спорт заллари билан таъминлаш билан боғлиқ. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги жами 9 942 та умумтаълим мактабининг 24 фоизида спорт заллари мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус бўйича умумтаълим мактабларида ташкил этилган тўгараклар, секцияларга ва клубларга ўқувчиларни жалб қилиш ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Умумтаълим мактабларида 5 миллиондан зиёд ўқувчилар таълим олишига қарамасдан, уларнинг бор-йўғи 25 фоизи жисмоний тарбия ва спортга жалб этилган, холос.

Қолаверса, бандлиги таъминланмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга йўналтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган.

Бандлиги таъминланмаган ёшларнинг оммавий спортга жалб қилиш учун 248,5 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилишига қарамай, бундай тадбирларга уларнинг атиги 10 фоизигина қамраб олинганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қолаверса, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда “Ю-репорт” ижтимоий рақамли платформасида юртимиздаги спорт иншоотларининг бугунги ҳолати ва фаолияти юзасидан ўтказган сўровнома натижалари ҳам соҳада бир қатор муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатди.

Саккиз мингга яқин иштирокчилар қамраб олинган (33,5 фоизи хотин-қизлар) сўровнома натижаларига кўра, ёшларнинг 49 фоизи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмайди, 20 фоизи спортнинг бирор-бир тури билан қамраб олинмаган. 19 фоиз иштирокчилар эса спорт тўгараклари нархининг қимматлиги улар имкониятини чеклашини айтган. 64 фоиз йигит-қизлар спорт иншоотларига транспортда қатнов ёки узоқ вақт пиёда юришга тўғри келиши ноқулайлик туғдираётганини билдирган. 64 фоиз ёшлар ўз маҳалласида спорт иншоотлари йўқлигини ва спорт мусобақалари етарлича ташкил қилинмаётганини қайд этган. Бу борада, айниқса, Наманган, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларида аҳвол қониқарсиз.

Энг ёмони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантиришга оид Фармон ва қарорларида белгиланган қатор вазифалар бажарилмаган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия-спорт жамиятининг спорт турлари бўйича спорт маҳорат мактабларини ташкил этиш учун бинолар ажратилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги қарори билан тасдиқланган давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Ҳар бир маҳаллада футбол майдони” дастури ижроси қарийб 6 мингта маҳаллада таъминланмаган.

Масалан, Андижон вилоятида 867 та, Самарқанд вилоятида 790 та, Тошкент вилоятида 708 та ҳамда Фарғона вилоятида 700 та футбол майдончалари қурилмаган.

Соҳадаги яна бир оғриқли жиҳат, бу — жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, спорт мактаблари малакали мураббийлар ҳамда тиббиёт ходимлари билан таъминлаш масаласи. Бугунги кунда спорт иншоотларида кадрларга бўлган эҳтиёж 823 нафарни ташкил қилмоқда.

Бу рақамларнинг ҳар бири долзарб ва соҳадаги хато ҳамда камчиликларнинг ёрқин далилидир. Олий Мажлис Сенати қайд этилган ҳолатларни батафсил ўрганиб, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**Абдураҳим ИРКАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# Судда ишларни икки босқичда кўриш амалиётига барҳам берилади

## Бу нима дегани?

*Президентимиз 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни имзолади.*

*Хўш, ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишига қандай ҳаётий зарурат бор эди?*

## Акс садо

Қайд этиш керак, ушбу Фармон қабул қилингунга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари жойларга чиқиб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида муаммоларни таҳлил қилиш учун жойлардаги аҳволни кўздан кечирди. Суд тизими ходимлари билан учрашувлар ўтказди, аҳоли, жамоатчилик вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда секторлар раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашиб, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган фикр ва таклифлар олинди.

Шу аснода ишчи гуруҳ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар борлигига гувоҳ бўлди. Хусусан, суд ходимларини ўз вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш, суд тизимининг аҳоли билан мулоқот қилиш бўйича ахборот хизмати мавжуд эмаслиги, судда ишни кўриб чиқишда ва суд иш юритувига ахборот-коммуникация тизимини кенгроқ жорий қилиш кераклиги, суд тизими моддий-техник таъминотидаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф қилиш борасида тегишли таклифлар тайёрланди. Энг асосий эътибор, аҳолининг суд тизимига ишончининг ортиши учун тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилди.

Эндиликда Фармон билан юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларнинг аниқ ечимига қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратиб берилмоқда. Хусусан, ушбу ҳужжат билан ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали суд тизимига “бир суд — бир инстанция” тамойилини жорий этиш белгиланди. Яъни суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилади ҳамда бир судда ишларни икки босқичда (биринчи, апелляция ёки кассация) кўриш амалиётига барҳам берилмоқда.

Бу айни муддао бўлди. Сабаби аввал суд ишларини қайта кўриш бўйича суд инстанцияларининг кўплиги натижасида фуқароларнинг судда кўрилган ишлар бўйича қайта-қайта бир нечта суд инстанцияларига қатнаб, вақт ва маблағ сарф қилиб сарсон бўлаётган ҳолатлар ҳам кузатилган эди.

Шу билан бирга, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари арзимаган важ билан Олий суд томонидан назорат тартибида қайта кўриб, бекор қилиниши натижасида суд ҳужжати ижросини таъминлаш билан боғлиқ жараённи чалкашликка олиб келиши билан бирга, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончи пасайишига ва бу борада ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган эди.

Шунингдек, юқоридаги ҳолатлар натижасида айрим ҳолларда битта мазмундаги суд ишлари бир неча йиллаб, ҳатто ўн йиллаб қайта-қайта кўриб чиқилишига ва якуний тўхтамга келувчи суд қарори қабул қилинмаётганлиги ҳақида фуқаролардан шикоятлар келиб тушаётган эди.

Рақамларга эътибор қаратсак. 2019 йилнинг ўзида айни бир вилоят судида биринчи ва апелляция (кассация) инстанциясида кўрилган ишларнинг 13 мингга яқини Олий судда ўзгартирилган ёки бекор қилинган. Бу рақамлар ортида қанча вақт ҳамда маблағ сарфланганини энди ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг!

Шу боис ҳам БМТнинг махсус маърузачиси Д. Гарция-Сайян, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро экспертлар суд тизимида назорат инстанцияси мавжудлигини жиддий танқид қилганди.

Ахир судга нажот, адолат истаб келган фуқаронинг даъвоси бўйича судда аниқ ҳуқуқий ечим топилсагина, суднинг қарори “ўзгарувчанлик хусусияти”га эга бўлмасагина, фуқаронинг суд тизимига бўлган ишончи ва ҳурмати ошиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир суд инстанциясида кўриладиган ишлар бўйича судьяларнинг масъуллик ҳамда жавобгарлик ҳиссини ошириш ва кейинчалик бекор бўлмайдиган ҳамда ўзгартирилмайдиган суд қарорини қабул қилиш тизимини янада ривожлантириш керак бўлади. Чунончи, бунинг учун судья қарор қабул қилишда фақат ва фақатгина қонунга таяниш амалиётини яна такомиллаштириш лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, Фармон ижросининг тўғри ҳамда сифатли ташкил қилиниши суд ҳокимиятининг янада мустақиллиги таъминланишига ва аҳолининг суд тизимга бўлган ишончи янада ортишига хизмат қилади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

### ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ СЕНАТОРЛАРГА АХБОРОТ БЕРДИ

# ХУЛОСАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

*Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакат миқёсида ўн мингдан зиёд оилаларда ҳуқуқбузарлик келтириб чиқариши мумкин бўлган турли оила-турмуш муносабатлари доирасидаги муаммолар мавжуд. Шундан беш мингга яқини нотинч оилалар сифатида қайд этилган.*

## Мушоҳада

Хусусан, ички ишлар органлари ходимлари томонидан йил бошидан буён оила-турмуш доирасида тазйиққа учраган опа-сингилларимизнинг 2 776 нафарига “ҳимоя ордери” берилган.

Ачинарлиси, 2020 йилнинг олти ойи давомида оила-турмуш доирасида қайд этилган 71 та қотилликнинг 34 таси айнан эр-хотинлар ўртасида келиб чиққан низолар оқибатида содир қилинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур жиноятлар аксариятининг ўз вақтида олдини олиш чоралари кўрилганида эди, балки бу каби мудҳиш ҳодисалар оилалар заволига сабаб бўлмас эди. Бунга ички ишлар органлари ҳамда жойлардаги мутасадди раҳбарлар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳамкорликда олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирларга етарли даражада эътибор қаратилмагани асосий омиллардандир.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида 2020 йил 6 ойи якуни бўйича ахбороти доирасида маълум қилинди.

Сенаторлар томонидан мазкур ахборотда келтирилган маълумотлар атрофлича муҳокама қилинди. Бу борада муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Хусусан, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида вазирлик томонидан бир қатор самарали ишлар йўлга қўйилган.

Натижада йил бошидан буён содир этилган умумий жиноятларнинг 95,2 фоизи фош этилган, шунингдек, тергов органлари қидирувида бўлган 1 051 нафар шахс ушланган ва 261 нафар бедарак йўқолганлар топилган.

Ички ишлар ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупция ва иқтисодиёт соҳасидаги 387 та жиноят аниқланиб, махсус тадбирларда жиноят содир этган 2 925 нафар шахс қўлга олинган.

Бироқ ўрганишлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида, шу жумладан, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлар самарали ташкил қилинмаганлиги оқибатида ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини ҳам кўрсатди.

Бу эса юз минг аҳолига тўғри келадиган жиноятлар сонининг ошгани билан боғлиқ. Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида — 134,3, Тошкент вилоятида — 91,3, Фарғонада — 88,3, Сирдарёда 76,6 ва Навоийда — 63,6 тани ташкил қилмоқда.

Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилаётир. Жумладан, қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси, оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг қарийб йигирма бир фоизи оила-турмуш муносабатлари доирасида рўй бермоқда.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан бевосита жойларга чиқиб ўтказилган ўрганишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида профилактика инспекторининг ҳар ойлик ҳисоботини эшитиш номига ўтказилиб, айрим ҳолларда эса, умуман ўтказилмасдан қолганлиги каби ҳолатлар аниқланган.

Шунингдек, аксарият халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам тегишли туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари ҳисоботларини эшитиш жараёнида мазкур тузилмалар раҳбар ходимларининг иштироки тўлиқ таъминланмаган. Маҳаллий Кенгашлар депутатларига нисбатан кўрсатилаётган бу хилдаги эътиборсизлик ҳамда масъулиятсизликни қандай тушуниш мумкин?

Шу билан бирга, ахборотда қайд этилишича, ички ишлар органларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида 76 нафар раҳбар ходим бошқа лавозимларга ротация қилинган. Ўн икки мингдан зиёд ходимлар аттестациядан ўтказилиб, хизмат фаолиятида камчиликларга йўл қўйганлиги учун 120 нафар раҳбар ходим лавозимидан озод этилган.

Бироқ ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш борасида амалга оширилган ижобий ишларга қарамасдан, ходимларнинг 3027 нафари хизмат интизомини бузиш ҳолатига йўл қўйган, вазирлик тизимидаги 52 нафар ходим эса жиноятга қўл урган.

Масалан, жорий йилда Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ички ишлар ходимлари томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари аҳоли орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлиб, ички ишлар органларига нисбатан салбий фикрлар шаклланишига олиб келди.

Сенаторлар томонидан юқорида тилга олинган ҳар бир ҳолат ва бундан ташқари, ахборотда келтирилган кўплаб рақам ҳамда таҳлиллар юзасидан фикр алмашилди. Соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан, айниқса, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган ҳар бир жиноятнинг сабабларини ўрганиб, олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш вазифаси масъулларга юклатилди.

Жумладан, мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида комплекс ишларни амалга ошириш бўйича ҳам тегишли тадбирлар ўтказилиши лозимлиги таъкидланди.

Бунинг учун хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, “ҳимоя ордери”ни бериш, унинг муддатини узайтириш ва “ҳимоя ордери” талабларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш бўйича ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш таклифи билдирилди.

Бундан ташқари, ҳар ойда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, ички ишлар органлари раҳбарларининг эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳисобот бериши тўлиқ таъминланиши лозим.

Шундагина тизимдаги мутасадди ва масъул ходимларнинг масъулиятини оширишга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини янада жонлантиришга эришиш мумкин.

**Фарҳод БОҚИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# «Йўл харитаси» ижроси изчиллик билан таъминланмоқда

*“Йўл харитаси” — парламент қуйи палатаси қўмиталари томонидан йил бошида ишлаб чиқилган амалий чора-тадбирлар режаси саналади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси “Йўл харитаси”да белгиланган устувор вазифалар доирасида шу йилнинг биринчи ярмида бир қатор ишларни амалга оширди.*

## Сарҳисоб

Чунончи, энг аввало, Президентимизнинг коронавирус пандемияси муносабати билан қабул қилинган Фармон ва қарорларида белгиланган имтиёзлар ҳамда енгилликлар жойларда қандай татбиқ этилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжатнинг жойлардаги ижроси, уларда назарда тутилган имтиёзлар фуқаролар ва тадбиркорларга манзилли етказилиши ҳолати юзасидан 106 та мониторинг тадбири ўтказилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятларидаги ижроси ўрганилиб, унинг тўкис бажарилишини таъминлаш юзасидан мутасадди ташкилотларга тегишли тавсиялар берилди.

Қўмита томонидан Қонунчилик палатаси фаолиятининг 2020 йилга мўлжалланган асосий йўналишларига, қуйи палатада тасдиқланган дастур ва режаларга мувофиқ, қонун ижодкорлиги, парламент назорати, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш каби муҳим йўналишларни янада такомиллаштириш бўйича қамровли ишлар олиб борилди.

Қўмита ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида 5 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шундан битта қонун қабул қилинди, қолганлари биринчи ва иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида Ўзбекистон Республикаси Экологик кодексини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланган эди.

Мазкур вазифадан келиб чиқиб, Экологик кодексни ишлаб чиқиш бўйича 79 аъзодан иборат эксперт гуруҳи шакллантирилиб, унинг 14 та йиғилиши ўтказилди. Экологик кодекснинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилди.

Ўтган даврда қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича 64 та ишчи гуруҳ ва 16 та экспертлар гуруҳи йиғилиши ташкил этилди. Қизғин муҳокама ҳамда мунозаралар натижасида қўмитага келиб тушган қонун лойиҳаларининг 2 таси концептуал жиҳатдан қайта ишланиб, қарийб 35 — 40 фоизгача ўзгартирилди.

Парламент назоратини амалга ошириш доирасида қўмита томонидан 18 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди, шундан 8 таси қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга, 6 таси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга тааллуқлидир.

Масалан, жорий йил май ойида Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси Қашқадарё, Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятлари мисолида, шунингдек, “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, барча ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳолати ўрганилди.

Ҳисобот даврида қўмита аъзолари томонидан 7 та депутат сўрови юборилди. Шунингдек, қўмитага келган 588 та мурожаат қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Мурожаатларни соҳалар кесимида таҳлил қилсак, ижтимоий соҳа — 202 та, экология соҳаси — 125 та, молия ва тадбиркорлик соҳаси — 46 та, коммунал соҳа — 43 та, суд-ҳуқуқ соҳаси 38 тани ташкил этади. 134 таси эса бошқа соҳаларга тааллуқли.

Эътиборли жиҳати, ўтган даврда жисмоний ва юридик шахслардан келган 176 та мурожаатга ижобий ечим топилди.

Хусусан, Навоий шаҳрида яшовчи фуқаро Ф. Соҳибова мурожаати асосида унинг хонадонига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди, бир ойлик ижара тўлови масаласи ҳал этилди. Норин тумани Қорадарё қирғоғидаги ноқонуний чиқиндихона бартараф этилиб, ўрнига терак кўчатлари экилди. “Миришкор” МФЙ ҳудудидаги ичимлик суви масаласи ҳал этилди. Ёки Наманган шаҳридаги “Юқори Ровустон” МФЙда яшовчи Мунисхон Қосимованинг 9 ёшли фарзандининг Республика кўкрак хирургияси илмий марказида даволанишига кўмаклашилди. Фуқароларнинг оғирини енгил қилган бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Қўмитага келиб тушган таклифлар ҳам атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинди ҳамда улардан 8 таси норма ижодкорлиги жараёнида инобатга олинди. Жумладан, “Ов қилиш ва ов хўжаликлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасига фуқаро Ботир Акбаров томонидан берилган айрим ёввойи ҳайвонот дунёси объектлари учун ов мавсумини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, ов қилиш жойларини ижарага бериш муддатлари бўйича, фуқаро Собир Аюповнинг овчиларнинг ахборот базасини шакллантириш тўғрисидаги таклифларидан мазкур қонунни такомиллаштиришда фойдаланилди.

Таъкидлаш лозимки, бундай таклифлар таҳлили фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётгани, қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жараёнларига дахлдорлик ҳисси ортаётгани, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фуқаролик позицияси шаклланиб бораётганини кўрсатаётир.

Қўмита аъзолари сайловчилар билан мулоқот, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан унумли фойдаланиб, масофавий ишлашни кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳисобот даврида қўмита аъзоларидан 10 нафари ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда онлайн мулоқотлари асосида сайловчилардан 160 дан ортиқ мурожаатлар қабул қилди. Улардан 25 таси ўрнатилган тартибда ҳал этилди, 13 таси ҳал қилиниш арафасида. Қолган мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Ўтган даврда қўмита фаолияти ва унинг масъуллигида қабул қилинган қонунлар юзасидан ОАВда жами 1236 та чиқиш қилинди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътибор қўмита фаолияти самарадорлигини янада ошириш вазифасини қўймоқда. Зеро, пандемия шароити экологик муаммолар долзарб масала эканлигини яққол намоён этди. Шундай экан, мақсадимиз — ушбу муаммоларга янада чуқур ва кенг кўламда ёндашган ҳолда, қўмита ишини янада фаоллаштириш.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси.**



*Бугунги коронавирус пандемияси шароити одамлар соғлиғига хавф солиши баробарида, иқтисодиётимиз ва жамият ҳаётини жиддий синовдан ўтказмоқда. Келинг, буни иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бири — аудиторлик фаолияти мисолида таҳлил қилиб кўрсак.*

*Молия вазирлиги маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда республикамиздаги 96 та аудиторлик ташкилотида 558 нафар, бизнинг тахминимизча эса яна 1000 дан ортиқ ёрдамчи аудиторлар фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 2019 йилда 5467 та хўжалик юритувчи субъектда мажбурий ҳамда ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ва бошқа профессионал хизматлар бажарилган.*

# Пандемия шароитида аудиторлик фаолияти

## МУАММОЛАР БОР, ЕЧИМ-ЧИ?

### Таҳлил

Республикамизда коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари сабабли Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ, ўтган йил якунлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш муддати 2020 йил 1 октябргача узайтирилиши натижасида аудиторлик хизматларини кўрсатиш жараёни амалда тўхтаб қолди. Бунинг оқибатида аудиторлик ташкилотларининг хўжалик субъектлари билан тузган шартномалари бажарилмай қолмоқда.

Натижада аудиторлик фаолиятига оид қуйидаги саволлар юзага келмоқда: пандемия тадбирлари сабабли карантин даврида аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар нима билан шуғулланади ҳамда уларнинг фаолияти қандай молиялаштирилади? Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, акциядорлар, шериклар ва инвесторлар) учун хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлиги ким томонидан молиявий экспертиза қилинади, уларнинг ишончлилиги қандай кафолатланади? Мазкур ҳолатлар, ўз навбатида, аудиторлик хизматларини амалга ошириш йўллари аниқлаштирилишини тақозо қилади.

Фикримизча, юқоридаги масалаларни ҳал этиш карантин даврида қанчалик мураккаб бўлмасин, уларнинг мақбул ечимларини топиш шунчалик зарурдир. Ҳозирги шароитда юқоридаги масалаларни ҳал этишнинг ягона йўли — рақамли иқтисодиётнинг муҳим воситаси саналган масофадан туриб аудиторлик фаолиятини амалга оширишдир. Корхоналарнинг инқирозга қарши кураш дастури доирасида масофавий тарзда ишни ташкил этиши аудиторлардан пандемия натижасида юзага келган омилларни ҳисобга олган ҳолда, текширувларда аудиторлик амалларини бажариш, фаолиятда илмий-услубий жиҳатдан ёндашиш ҳамда аудиторларни масофавий ишлаш воситалари (тезкор интернет, дастурий таъминот, видеотасвир, аудиоёзувлар ва бошқалар) имкониятидан кенг фойдаланишини талаб этади.

Бизнингча, бугунги ҳолатда масофавий тарзда аудиторлик текширувларини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш лозим:

— аудиторлик ташкилотлари ҳамда буюртмачи корхона ходимлари тасдиқланган дастур ва режа асосида, авваламбор, ўзлари масофавий аудит ўтказишга тайёргарлик кўришлари, шунинг баробарида ахборот технологияларини бу жараёнга мувофиқлаштиришлари талаб этилади;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аудиторлик далилларини тўплаш жараёнини ташкил қилиш;

— пандемия шароитида текширилаётган субъектнинг фаолиятида амалда қўлланилаётган ҳисоб сиёсати ва ички назорат тизимининг мазмуни билан чуқур танишиш натижасида аудитда қўлланиладиган усуллар ҳамда муолажаларни белгилаш;

— "Аудиторнинг ахлоқ-одоб қоидалари"га биноан, биринчи навбатда, аудитор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида текширув натижаларини аудиторнинг ишчи ҳужжатларида холисона умумлаштириши шарт;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида текширилаётган субъектнинг автоматлаштирилган ҳисоб тизими ахборотларини баҳолаш ва текширув натижалари асосида аудиторнинг фикри шакллантирилади;

— аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулосасини текширилган субъект раҳбариятига замонавий IT технологиялар асосида тақдим этиш ва бошқалар.

Бунда, табиийки, айрим муаммоли жиҳатларга эътибор қаратиш зарур. Аввало, бундай хизматларни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий, услубий ҳамда амалий асосларини қайта кўриб чиқиш ва уларни пандемия шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган ҳисобланган Молия вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари (Аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Халқаро бухгалтерлар федерацияси) томонидан расмий кўрсатма ҳамда йўриқномалар ёки услубий тавсиялар берилса, айни муддао бўлар эди. Бу борада МДҲ мамлакатлари тажрибаси ва Халқаро бухгалтерлар федерациясининг интернет сайти (www.iaasb.org) орқали берилаётган услубий тавсияларни тўлиқ ўзлаштириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, аудиторлик хизматларини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларини умумлаштиришда пандемия таъсири омилларини аудиторлик ишчи ҳужжатларида батафсил таҳлил қилиш лозим.

Пандемия шароитида асосий муаммо сифатида аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини аудиторлик ташкилоти томонидан муҳр ҳамда имзо билан тасдиқлаш масаласи муҳим бўлиб турибди. Ушбу масалани эса 2003 йил 11 декабрда имзоланган "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги "Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали ҳал этиш мумкин.

Аудиторлардан текширилаётган субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда қайси даврни ҳисобга олиш қоидаларидан фойдаланилганлиги ва текширилаётган ҳисоботни пандемиядан аввалги давр бўйича тузилган ҳисоботлардан фарқи мавжудлигини аниқлаш талаб этилади.

Масофавий тарзда аудиторлик текширувини ўтказишда текширилаётган субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг қанчалик автоматлаштирилганлигини баҳолаш ҳам муҳим. Бунинг учун текширилаётган субъектнинг тегишли масъуллари ёрдамида аудитор тизимга кириб, ундаги ҳисоб-таҳлилий жараёнларни видеотасвир ёки электрон сканер воситалари асосида аудиторлик далилларини тўплайди.

Ҳозирги кунда бу борадаги ишларнинг самарали воситаларидан бири — Россия ва бошқа Европа давлатлари аудиторлик амалиётида кенг қўлланилаётган "AuditNET", "ITAUDIT: Аудитор", "AUDIT XP" "Комплекс Аудит" ҳамда "Экспресс аудит: ПРОФ" сингари энг профессионал дастурий таъминотлар ҳисобланади. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти таҳлилини масофадан туриб амалга оширишда молиявий таҳлил жараёнларида кенг қўлланилаётган "Audit Expert", "ИНЭК — Аналитик", "Альт — Финансы", "Financial Analysis" ва "ФинЭк Анализ" каби замонавий дастурий таъминот турларидан фойдаланиш ҳам самара беради.

Умуман олганда, юқоридаги тадбирлар натижасида пандемия шароитида аудиторларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда уларга даромад олиш имконияти яратилади. Бу эса молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг ишончли ахборотлар билан таъминланишини кафолатлайди. Хўжалик субъектларининг молиявий ҳолати барқарорлигини баҳолаш орқали келгуси стратегиясини белгилаш имконини беради.

**Исломжон ҚЎЗИЕВ,**
**Тошкент молия институти Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ — КЕЛАЖАКНИ ОЛДИНДАН КЎРИШ



*Илм-фан ва замонавий технологиялар жадал ривожланиб бораётган бугунги глобаллашув даврида тармоқлардаги хавфларни олдиндан бартараф этиш ҳар бир давлатнинг энг асосий стратегик вазифаларидан биридир.*

*Мамлакатимизда 2020 йил — "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб номланиши замирида ҳам бутун дунёда бўлаётган кенг миқёсли жараён — рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳамда ахборот технологияларини ҳаётимизга тезроқ жорий этишдек кечиктириб бўлмас вазифалар мужассам. Табиийки, ушбу жараён, айниқса, ўтаётган йилимизда мавжуд қийинчиликларга қарамасдан улкан марралар билан қарши олинмоқда.*

### АКТ салоҳияти

Жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакатларида стратегик лойиҳалаштириш, информацион рақамли технологиялар ва бошқа кўплаб соҳаларда консалтинг хизматлари олиб борувчи Ирландиянинг "Accenture" компанияси ўтказган таҳлиллар "G20" рўйхатидаги давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Жанубий Корея)да сунъий интеллектнинг ўсиш суръатларини 2035 йилга қадар 2 маротаба ошириш салоҳияти мавжудлигини кўрсатди. Бу, албатта, ушбу мамлакатларда сунъий интеллект иқтисодий ривожланиш ва давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги асосий воситалардан бири, дея эътироф этилишини англатади.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ўтган йили эълон қилган маълумотларига кўра, 1960 йилдан 2018 йилга қадар сунъий интеллект билан боғлиқ 340 000 та патент олинган ва 1 636 649 та илмий мақола чоп этилган.

2002 — 2017 йиллар оралиғида сунъий интеллект соҳасида эълон қилинган мақолаларнинг йиллик ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, олинган патентлар сонининг йиллик ўсиш суръати ҳам қарийб 28 фоиздан иборат.

Мазкур патентлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, транспорт соҳаси пешқадамлик қилаётганига гувоҳ бўламиз. Яъни 2016 йилда олинган патентларнинг қарийб 8 мингтаси айнан ушбу соҳага тааллуқлидир. Шунингдек, телекоммуникация, тиббиёт соҳалари ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бу йўналишларда эса юқорида назарда тутилган йилда 4 мингдан кўп патентлар олинган. Қолаверса, саноат ва бизнес соҳаларида яратиб берилаётган имкониятлар туфайли бу борадаги илмий интилишлар ҳам таҳсинга сазовор.

Иқтисодиёт тармоқларига жорий этиладиган технологиялар классификациясида сунъий интеллект деструктив турга мансуб бўлиб, у жаҳон бозорига аввал мавжуд бўлмаган, тубдан янгиланган ва янги қийматга эга бўлган маҳсулотларни олиб киради.

Илмий тадқиқот фаолиятини, хусусан, сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасида дунёнинг йирик компанияларининг ҳиссаси катта. Айни пайтда, асосан, "IBM", "Microsoft", "Toshiba", "Samsung", "Toyota", "Intel" каби йирик компаниялар сунъий интеллектга алоҳида аҳамият қаратмоқдалар.

Ҳозирги кунгача жаҳон мамлакатларида сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича 7 та халқаро ҳамда 50 дан ортиқ миллий стратегиялар қабул қилган.

Миллий сунъий интеллект стратегиясини эълон қилган мамлакатлар сони 2017 йилдагига нисбатан 8 маротаба ортди. Бу йилда Канада, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Финляндия, Япония ва Хитой давлатларида Миллий сунъий интеллект стратегиялари ишлаб чиқилган бўлса, 2019 йилга келиб бу рўйхатдан кўплаб бошқа давлатлар ҳам ўрин эгаллади.

Ўзбекистон ҳам глобаллашув жараёнининг бевосита иштирокчиларидан биридир. 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида белгиланган асосий мақсад ва вазифалар доирасида мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш ҳамда мамлакат 2030 йилга қадар инновацион ривожланган дастлабки 50 талик мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси лойиҳасида сунъий интеллект соҳасида миллий илмий тадқиқот ва ривожлантириш фаолиятларини тизимли тарзда йўлга қўйиш ҳамда таълимни самарали ислоҳ этишга асосий эътибор қаратилади.

Ушбу соҳада 2021-2022 йиллар учун сунъий интеллектни ривожлантиришнинг фундаментал асосларини равнақ топтириш ва мақсадли тизимлаштириш вазифалари белгиланди. Унда сунъий интеллектни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларида илмий тадқиқот ва юксалиш фаолиятини тизимли тарзда ташкил қилиш, сунъий интеллект соҳасида таълим тизимини самарали ислоҳ этиш ҳамда илмий тадқиқот ва таълимда халқаро ҳамкорликларни жадаллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси лойиҳасидан кўзланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг жаҳон саҳнасидаги илмий-техник ҳамда инновацион фаолиятдаги нуфузини кўтарувчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Азимжон НАЗАРОВ,**
**инновацион ривожланиш вазири ўринбосари.**

# КИЙИКЧИЛИК

## туризм ривожига кенг йўл очади



*Бўстонлиқ туманидаги Қоронқўл қишлоғининг денгиз сатҳидан 1200 метр баландликдаги 98 гектар майдонида ноёб жониворлар боқилмоқда. Қўриқхонада парваришланаётган 45 бош Европа кийиги ва 50 бош асл буғилар подаси яна 10 бошга кўпайди. Янги туғилган кийиклар 19-20 ой оралиғида тирик вазнини тўлиқ тиклайди. Шунда уларнинг ҳар бири 65 килограммдан 180 килограммгача тош босади.*

### Экотуризм



Мутахассисларнинг таъкидлашича, кийик гўшти А, В1, В2, РР, Е витаминларига бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис Европа бозорларида ушбу шифобахш маҳсулотга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Россияда унинг бир килограмми **700 — 1500 рубль**, Германияда **14 дан 25 еврогача** бўлса, АҚШда эса унинг улгуржи нархи **8 — 12 долларни** ташкил этади.

— Мадриддаги Халқаро кийикчилик уюшмаси анжуманларида кўп бор қатнашганман, — дейди биз билан суҳбатда "Corrida Food" оилавий корхонаси раҳбари Бахтиёр Хожиматов. — У ерда Ўзбекистоннинг барча соҳадаги имкониятлари йил сайин кенгайиб бораётганлиги доимо мамнуният билан эътироф этилади. Шу боис кийикчиликни йўлга қўйиш борасидаги таклифимиз ижобий баҳоланди.

Германия ва Испаниядаги ҳамкорларимиз йилнинг ёз ва қиш фаслида келиб, Тошкент, Наманган, Жиззах вилоятларидаги иқлим ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини батафсил ўрганди. Қоронқўл қишлоғининг ушбу ҳудудида ноёб жониворларни боқиб кўпайтиришга етарли асос борлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилишгач, бу борадаги ҳамкорлик учун шартнома имзолашди. Бўстонлиқ тумани ҳокими ва тегишли соҳа мутахассисларининг саъй-ҳаракати, тадбиркорлик фаолиятимизнинг қўллаб-қувватланиши натижасида бугунгача 8 километр масофага сув қувурлари ҳамда электр симлари тортиб чиқилди. Айни пайтда ҳамкорликдаги ишлар қўр олмоқда. Озуқа етиштириш юзасидан дастлабки натижаларга эришдик. Хуллас, қўриқхонани ривожлантириш учун бирламчи шароитлар яратилди.

Ушбу тармоқ ривожи учун етарли ва тўйимли озуқа базасини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан саналади. Бу мақсадлар учун Паркент туманидан олинган ер майдонларини янада кенгайтириш, серўтлоқ яйлов яратиш, тўйимли озуқа экинлари парваришлаш йўлга қўйилди.

— 2019 йил Жаҳон банки линияси орқали, АТ "Алоқабанк"дан 780000 АҚШ доллари миқдорида кредит олдик, — дея гапида давом этади Б. Хожиматов. — Австрия ва Словениядан харид қилинган кийиклар иқлимимизга тезда мослашди. Аслида, кийик боқишдан мақсадимиз юртимизда деярли йўқ бўлиб кетаёзган бу тур жониворлар подасини кўпайтириш. Худо хоҳласа, икки-уч йил оралиғида вилоятимиздаги мавжуд ўрмонларда ушбу ноёб жониворларнинг ёввойи ҳолда кўпайишига шароит яратамиз. Уларнинг маълум бир қисми табиат қўйнига — эркинликка қўйиб юборилади.

**Шу кеча-кундузда кийиклар бош сони ҳам ошяпти. Асл буғулардан 6 боши, кичик кийиклардан эса 4 боши болалади. Она кийиклар жуда меҳрибон ва эҳтиёткор бўлишади. Болаларини имкон қадар қўриқхона ичкарисида, кўздан йироқда сақлашади. Уларнинг яна бир ноёб хислати инсонларга ишонувчан. Бу бизда шаклланаётган ички туризмни ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга. Қизиқувчи кишилар учун қўриқхонадаги ушбу ноёб жониворлар ҳаётини яқиндан кузатиш имконияти яратилган. Келгусида Тошкент давлат аграр университети талабаларининг ўқув машғулотларини ташкил этиш юзасидан шартнома имзолаш режамиз ҳам бор.**

Янги лойиҳалар бўйича қўриқхонамизда лама, альпака, фазан сингари ноёб жониворлар турини кўпайтиришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бу ҳозирча бизнес сиримиз эди, сизга очиқлаб қўйдим! Табиийки, имкониятларимиз кенгайиши билан бир қаторда, маҳаллий ёшлар учун янги иш ўринлари яратилади. Хуллас, бажариладиган юмушлар кўп...

Тадбиркор Бахтиёр Хожиматов таъкидлаганидек, қўриқхонада парваришланаётган кийиклар ҳар тарафлама кони фойда. Йирик шохли чорва моллари, қўй-қўзилар яйловларда 25 — 30 хил гиёҳлар билан озиқланса, кийиклар икки юз хил ўт-ўланларни истеъмол қилади. Бу улар гўшти ва ёғининг доривор малҳамга айланишига асос бўлади. Масалан, фармацевтика саноатида кийик шохидан камёб дорилар тайёрланади. Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари"да ҳам уларнинг шохи инсон танасини ёшартириш хусусиятига эгалиги билан бир қаторда, таркибида турли касалликлар учун малҳам борлиги айтилади.

Олтой ўлкасидаги буғучилик хўжаликларида йилнинг апрель — июнь ойларида подалар шохи қирқилиб, янгиланади. Йиғилган хом ашё эса фармацевтика саноатига топширилади. Қолаверса, Европа давлатларида буғулар подасини кўпайтириш чорвачилик соҳасининг муҳим йўналиши сифатида қадрланади. Ишонамизки, тез орада Ўрта Осиёда ягона бўлган Бўстонлиқдаги ушбу қўриқхонада тадбиркор юртдошимизнинг илмий асосда, аниқ ҳисоб-китоблар билан амалга ошираётган бизнеси юксак самара беради. Зеро, катта мақсадни кўзлаб, катта маблағ сарфланаётган ишнинг истиқболи ҳам катта бўлиши, шубҳасиз.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6